

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»  
Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки  
Раиснинг ўринбосари



С.С. Ходжаев

2017 йил «13» июль

110-16

DS-43-0243-Р.

«ТАСДИҚЛАНГАН»  
«ASIA ALLIANCE BANK»

акциядорлик тижорат банки  
Кенгашининг 2017 йил 13 июлдаги  
К-58- сонли қарори билан  
Кенгаш йиғилиши Раиси

Б.Т. Абдурайимов

2017 йил «13» июль

110-16

2016 йил 27 декабрда DS-43-0243-сон билан Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банкида рўйхатдан ўтган «ASIA ALLIANCE BANK»  
акциядорлик тижорат банкининг юридик шахслар учун депозит  
сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш 5-чиқарилиш  
шартлари”га 1-сонли киритилган ўзгартиришлар

1. Чиқарилиш шартларининг 4.1. банди қуйидаги таҳрирда баён  
этилсин:

“4.1.Сертификатлар қуйидаги муддатларга ва фоизларда чиқарилади:

Муомала муддати	Йиллик фоиз ставкаси
180 кун	12,0 (ўн икки) фоиз
270 кун	13,0 (ўн уч) фоиз
395 кун	14,0 (ўн тўрт) фоиз.
545 кун	14,5 (ўн тўрт бутун ўндан беш) фоиз
730 кун	14,75 (ўн тўрт бутун юздан етмиш беш) фоиз
1 095 кун	15,0 (ўн беш) фоиз

2. Чиқарилиш шартларининг 4.5. банди қуйидаги таҳрирда баён  
этилсин:

“4.5.Сертификат сакловчиси сертификатни муддати тугагунга қадар  
қайтариб беришни талаб қилиш нияти бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни  
омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор  
қилиши шарт. Бунда сертификат бўйича фоиз тўлови сертификат ҳақиқатда  
муомалада бўлган муддат учун қуйидаги йиллик фоиз ставкасида қайта  
ҳисобланади:

- 179 кун ичида сўндиришга тақдим этилса – йиллик 11,0 (ўн бир) фоиз;
- 180 кундан 269 кун оралиғида сўндиришга тақдим этилса – йиллик 12,0 (ўн икки) фоиз;
- 270 кундан 394 кун оралиғида сўндиришга тақдим этилса – йиллик 13,0 (ўн уч) фоиз;
- 395 кундан 544 кун оралиғида сўндиришга тақдим этилса – йиллик 14,0 (ўн тўрт) фоиз;

- 545 кундан 729 кун оралиғида сўндиришга тақдим этилса – йиллик 14,25 (ўн тўрт бутун юздан йигирма беш) фоиз;
- 730 кундан 1094 кун оралиғида сўндиришга тақдим этилса – йиллик 14,5 (ўн тўрт бутун ўндан беш) фоиз.

Сертификат бўйича аввал амалга оширилган фоиз тўловлари ва қайта ҳисоблаш натижасида тўланиши лозим бўлган фоизлар миқдори ўртасидаги фарқ депозит суммаси ҳисобидан ушлаб қолинади.”

3. Ушбу ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтган кунга қадар жойлаштирилган сертификатлар бўйича сертификат сақловчиси сертификатни муддати тугагунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш нияти бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши шарт. Бунда сертификат бўйича фоиз тўлови сертификат ҳақиқатда муомалада бўлган муддат учун куйидаги сертификатда ёзилган йиллик фоиз ставкасида ҳисобланади:

Муомала муддати	Йиллик фоиз ставкаси
180 кун	7,0 (етти) фоиз
270 кун	8,0 (саккиз) фоиз
395 кун	9,0 (тўққиз) фоиз.
545 кун	10,0 (ўн) фоиз
730 кун	10,5 (ўн бутун ўндан беш) фоиз
1 095 кун	11,0 (ўн бир) фоиз

Бунда сертификат бланкиси орқа томонида белгиланган фоиз ставкаларига тегишли тузатишлар қўлда шарикли ручкада киритилиб тегишли имзо ва муҳр билан тасдиқланади.

4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва рўйхатдан ўтган кунга қадар жойлаштирилган сертификатларга татбиқ этилмайди, мазкур ўзгартиришларнинг 3-банди бундан мустасно.

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки

Раисининг биринчи

ўринбосари



С.С. Ходжаев

2016 йил «27» декабрь

DS-43-0243

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«ASIA ALLIANCE BANK»

акциядорлик тижорат банки

Кенгашининг 2016 йил 12 декабрдаги

К-80-сонли қарори билан

Кенгаш Раиси



А.С. Касимов

2016 йил «12» декабрь

**«ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банкининг юридик шахслар учун депозит сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш шартлари**

### 5-ЧИҚАРИЛИШ

Мазкур Шартлар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 24 сентябрда 1859-сон билан рўйхатга олинган «Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисида»ги Низом асосида ишлаб чиқилган бўлиб, «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банкининг депозит сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлишини тартибга солади.

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банкининг (кейинги матнда «банк») депозит сертификати (бундан буён матнда «сертификат» деб юритилади) - банкка қўйилган депозит суммасини ва омонатчининг (сертификат сақловчининг) депозит суммасини ҳамда сертификатда шартлашилган фоизларни сертификатни берган банкдан ёки банкнинг исталган филиалидан белгиланган муддат тугаганидан кейин олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғоз.

**цессия** - сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш;

**цедент** - сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечаётган томон;

**цессионарий** - сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқини олаётган томон.

1.2. Сертификатлар бланкалар тарзида ҳужжатли шаклда чиқарилади.

1.3. Сертификатлар олди-сотди, ҳадя қилиш, мерос қилиб олиш, устав фондига киритиш ва эгаси алмашувиغا олиб келадиган бошқа битимларда, шунингдек гаровда битим объекти бўлиши мумкин.

1.4. Сертификатни товарлар олди-сотдиси ёки кўрсатилган хизматлар (ишлар) учун ҳисоб-китоб қилишда тўлов воситаси сифатида қўллаш мумкин

1.5. Омонатчи (сертификат сақловчи) сертификат берган банкдан ёки бошқа банкдан кредит ажратилишида сертификатдан гаров таъминоти сифатида фойдаланишга ҳақли.

1.6. Сертификатларнинг олди-сотдиси ва улар бўйича суммаларни тўлашга доир пуллик ҳисоб-китоблар нақдсиз шаклда амалга оширилади.

1.7. Сертификатларнинг қиймати Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

## **II. СЕРТИФИКАТ БЛАНКАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ**

2.1. Сертификат бланкаларида қуйидаги мазмундаги мажбурий реквизитлар бўлиши лозим (1-илова):

- а) «депозит сертификати» номи;
- б) сертификат рақами ва серияси;
- в) депозит қўйилган сана;
- г) сертификат бўйича суммани талаб қилиб олиш санаси;
- д) сертификат билан расмийлаштирилган депозит миқдори (рақамлар ва сўзлар билан);
- е) банкнинг депозитга қўйилган суммани қайтариш ва тегишли фоизларни тўлаш юзасидан мажбурияти;
- ж) депозитдан фойдаланиш учун фоиз ставкаси;
- з) тўланиши лозим бўлган фоиз суммаси (рақамлар ва сўзлар билан);
- и) банкнинг номи, жойлашган манзили;
- к) депозит сертификатида омонатчи - юридик шахснинг номи ва жойлашган манзили;

л) банк томонидан сертификатни имзолаш ҳуқуқи берилган икки нафар мансабдор шахснинг банк муҳри билан тасдиқланган имзолари.

Сертификат бланкининг матнида юқорида кўрсатилган мажбурий реквизитлардан бири кўрсатилмаган тақдирда сертификат ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

2.2. Цессия сертификат бланкасининг орқа томонида расмийлаштирилади. Агар цессияни расмийлаштириш учун қўшимча варақлар талаб этилса, унда сертификатнинг иловалари ҳам бўлиши мумкин. Ушбу иловалар сертификат сақловчисининг талаби билан банк ёки унинг филиали томонидан расмийлаштирилади.

Сертификатнинг иловалари рақамланган, сертификат бланкасига тикилган ва сертификатни имзолаш ҳуқуқи берилган икки нафар мансабдор шахс томонидан имзоланиши ҳамда банк (банк филиали) муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

2.3. Сертификат бланкасида сертификатни чиқариш ва унинг муомалада бўлиш шартлари (кейинги ўринларда - чиқарилиш шартлари), шу жумладан, цессияни расмийлаштириш ҳамда сертификат йўқотилганда сертификат бўйича ҳуқуқларни қайта тиклаш тартиби акс эттирилган бўлиши лозим.

2.4. Сертификат бланкаси банк томонидан қўлда шарикли ручкада, ёзув машинкасида ёки компьютернинг ёзув мосламасида (принтерда) тўлдирилади.

Сертификат билан расмийлаштирилган депозит миқдори рақамлар ва сўзлар билан ёзилади.

Сертификатнинг рақамда ёзилган қийматидан олдин ва кейинги бўш жойлар, шунингдек номиналнинг сўзда ёзилган қийматидан кейин қолган бўш

жойлар икки параллел чизиқ тортиш йўли билан тўлдириб қўйилиши керак. Сўзлар билан ёзилган ҳамда рақамлар билан белгиланган суммалар ўртасида фарқ бўлган тақдирда сўзлар билан ёзилган сумма ҳақиқий ҳисобланади.

2.5. Сертификатда имзо ва банк муҳрларини босмаҳона усулида қўйиш тақиқланади.

2.6. Сертификатни беришда банк сертификат қорешогидаги барча реквизитларни тўлдиради. Сертификат қорешоги сертификат эгаси ёки унинг қонун ҳужжатларига биноан расмийлаштирилган ишончномага эга бўлган ваколатли шахс томонидан имзоланади. Сертификат қорешоги сертификатдан ажратилади ва банкда ишончнома билан бирга сақланади.

2.7. Омонатчининг (сертификат сақловчининг) вакили депозит сертификатини олиш учун ишончномага эга бўлган ваколатли шахсга берилади. Ишончнома сертификат қорешоги билан бирга банкда сақланади.

2.8. Банк томонидан сертификатни тўлдиришда тузатиш ва ўчиришларга йўл қўйилмайди.

2.9. Сертификат бланкасини омонатчига беришда тўғри расмийлаштириш ва тўлдириш учун жавобгарлик банк зиммасига юклатилади.

2.10. Депозит сертификати бланкалари, шунингдек сертификатларга қўшимча варақлар (иловалар) фақат қимматли қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқариш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган «Давлат белгиси» ДИЧБ Тошкент босма фабрикаси томонидан тайёрланади. Сертификатга қўшимча варақлар (иловалар) сертификат бланкаси билан бир вақтда тайёрланади.

2.11. Сертификат бланкалари «Қимматли қоғозлар бланкаларига қўйиладиган техник талаблар тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 1312, 2004 йил 17 февраль) талабларига мувофиқ тайёрланади.

### **III. СЕРТИФИКАТЛАРНИНГ МУОМАЛАДА БЎЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. Сертификатдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш мумкин.

3.2. Депозит сертификати бўйича цессия фақат юридик шахсга ўтказилиши мумкин.

3.3. Цессия сертификатнинг орқа томонида ёки қўшимча варақларда (иловалар) цедент ва цессионарийнинг икки томонлама битими билан расмийлаштирилади.

Депозит сертификати бўйича цессия ҳар бир томондан шу каби битимларни амалга ошириш учун юридик шахс томонидан ваколат берилган икки нафар шахс томонидан имзоланади ва юридик шахсларнинг муҳрлари (муҳрлар мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланади.

3.4. Сертификатлар қўйидаги миқдор ва ҳажмларда чиқарилади:

<b>Қиймати</b>	<b>Дона</b>	<b>Умумий ҳажми</b>
100 000 000	100	10 000 000 000
200 000 000	100	20 000 000 000
500 000 000	60	30 000 000 000
1 000 000 000	40	40 000 000 000
<b>Жами:</b>	<b>300</b>	<b>100 000 000 000</b>

3.5. Сертификат сотиб олиш учун омонатчи ёзма равишда банкка ариза билан мурожаат қилади.

3.6. Сертификат олиш бўйича шартнома тузилаётганда омонатчи сертификат бланкаларини олувчи жавобгар шахсга ишончнома ва унинг паспорт нусхасини тақдим этади.

3.7. Сертификат олиш бўйича шартнома тузилгандан сўнг, омонатчи унда кўрсатилган пул маблағларини Банкнинг белгиланган ҳисобварағига 3 (уч) банк иш куни давомида ўтказиши керак. Омонатчи (юридик шахс) томонидан банкнинг тегишли ҳисобварағига пул маблағлари ўтказилгандан сўнг, 3 (уч) банк иш куни ичида омонатчига сертификат бланкаси берилади.

3.8. Берилган сертификат бланкалари банкнинг депозит сертификатларини рўйхатга олиш китобида қайд этилади.

3.9. Банк омонатчиларнинг (сертификат сақловчиларнинг) реестрини депозит сертификатларини рўйхатга олиш китобига мувофиқ доимий равишда олиб боради.

3.10. Сертификат сақловчи ўзи бўйича ўзгарган маълумотлар (мулкчилик шакли, манзил, банк реквизитлари ва ҳ.к.) ҳақида банкни ўзгаришлар содир бўлган кундан бошлаб 3 (уч) банк иш куни ичида хабардор қилиши лозим.

3.11. Цессия расмийлаштирилганда сертификат корешоғига ўзгартиришлар киритилмайди.

3.12. Ҳар бир цессия cedent томонидан рақамланади ва банк ёки унинг филиали томонидан рўйхатга олинади. Банк масъул ходими томонидан сертификат бўйича талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақидаги маълумотлар банкнинг депозит сертификатларини рўйхатга олиш китобида қайд этилади.

3.13. Сертификат бўйича цессия битими амалга оширилаётган пайтда цессионарий банкка сертификат бланкаларини олувчи жавобгар шахсга ишончнома ва унинг паспортини (омонатчи-юридик шахснинг раҳбари фақат паспорт) цессия шартномасини расмийлаштирилаётган куни тақдим этиши лозим.

3.14. Сертификат бўйича цессия битими расмийлаштирилган кун банк cedentнинг тегишли ҳисобварағига ушбу шартларнинг 4.1. бандида кўрсатилган фоиз ставкалари миқдоридан сертификатларнинг ҳақиқатда муомалада бўлган муддати учун тегишли солиқларни чегирма қилган ҳолда фоиз даромадларини тўлаб беради. Цессияни расмийлаштириш узлуксиз бўлиши шарт.

3.15. Цессия сертификат муомалада бўлган даврдагина амалга оширилиши мумкин.

3.16. Цессия битими бўйича келиб чиқадиган мажбуриятлар cedent ва цессионарий томонидан уни расмийлаштирилган кундаёқ бажарилиши лозим.

3.17. Сертификат цессиясини расмийлаштиришда сертификатнинг орқа томонида йўл қўйилган хатолар тузатилганда у тузатиш киритилган сана кўрсатилган ҳолда "тузатилди" ёзуви билан тасдиқланиши ҳамда cedent ва цессионарий томонидан имзоланиши ва муҳр мавжуд бўлганда муҳрланиши шарт.

3.18. Депозитнинг сертификат бўйича талаб қилиш ҳуқуқи сертификатда белгиланган депозитни сўндириш санаси келгандан сўнг юзага келади. Сертификатларни муддатидан олдин тўловга тақдим этиш мумкин.

3.19. Сертификатни сўндириш муддати келганда, омонатчи томонидан

тўловга тақдим этилган сертификат ва аризага мувофиқ унда кўрсатилган ҳисобвараққа банк томонидан 3 (уч) банк иш куни давомида тўлов амалга оширилади. Сертификатни сўндириш бўйича ариза сертификат сақловчининг фирма бланкасида корхона раҳбари томонидан қўл қўйилган ва муҳр мавжуд бўлганда муҳрланган ҳолда расмийлаштирилиши лозим.

3.20. Сертификат сақловчиси томонидан банкка тўлаб бериш учун тақдим этилган сертификатларда цессиялар мавжуд бўлса, бунда банк сертификатнинг цессиясига доир шартномаларнинг узлуксизлигини, шунингдек сертификат сақловчисининг охириги шартнома (цессия)даги номи, муҳри (муҳр мавжуд бўлганда) ва ваколатли шахслари имзоларининг сертификатни тўлаб беришни сўраб ёзилган аризадаги номи, муҳри (муҳр мавжуд бўлганда) ва имзоларига мослигини текшириб кўради.

Аризадаги ваколатли шахслар имзолари сертификатдаги охириги цессияни имзолаган шахслар имзоларига мос келмаган тақдирда, сертификат сақловчиси банкка вакилнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этиши талаб этилади ва ҳужжат тўлаб берилган сертификатга қўшиб тикиб қўйилади.

#### **IV. СЕРТИФИКАТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛАР ҲИСОБЛАШ**

4.1. Сертификатлар қуйидаги муддатларга ва фоизларда чиқарилади:

<b>Муомала муддати</b>	<b>Йиллик фоиз ставкаси</b>
180 кун	7,0 (етти) фоиз
270 кун	8,0 (саккиз) фоиз
395 кун	9,0 (тўққиз) фоиз.
545 кун	10,0 (ўн) фоиз
730 кун	10,5 (ўн бутун ўндан беш) фоиз
1 095 кун	11,0 (ўн бир) фоиз

4.2. Сертификатлар бўйича фоизлар банкнинг тегишли ҳисобварағига сертификатлар учун пул маблағлари келиб тушган кундан бошлаб ҳар куни сертификатларни амалдаги муомалада бўлган даври учун йиллик 365 кундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида» Низомга (АВ томонидан 30.01.2004 й. 1306-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ ҳисоблаб борилади ва ҳар ойнанинг 24 санасидан бошлаб 3 (уч) банк иш куни ичида омонатчининг тегишли ҳисобварағига ўтказиб берилади. Омонатчи томонидан сертификат бўйича банкдаги тегишли ҳисобварағига пул маблағлари келиб тушган кун ва ушбу ҳисобварақдан пул маблағлари ечиб олинган кун фоиз ҳисоблашда бир кун ҳисобига олинади.

4.3. Сертификатлар бўйича ҳисобланган даромадни солиққа тортилиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.4. Банк сертификатни бериш вақтида шартлашилган ва сертификатда белгиланган фоиз ставкасини бир томонлама ўзгартиришга (камайтириши ёки кўпайтириши) ҳақли эмас.

4.5. Сертификат сақловчиси сертификатни муддати тугагунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш нияти бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши шарт. Бунда сертификат бўйича фоиз тўлови сертификат ҳақиқатда муомалада бўлган муддат учун йиллик қуйидаги фоиз ставкасида қайта ҳисобланади:

- 179 кун ичида сўндиришга тақдим этилса – йиллик 6,0 (олти) фоиз;
- 180 кундан 269 кун оралиғида сўндиришга тақдим этилса – йиллик 7,0 (етти) фоиз;
- 270 кундан 394 кун оралиғида сўндиришга тақдим этилса – йиллик 8,0 (саккиз) фоиз;
- 395 кундан 544 кун оралиғида сўндиришга тақдим этилса – йиллик 9,0 (тўққиз) фоиз;
- 545 кундан 729 кун оралиғида сўндиришга тақдим этилса – йиллик 10,0 (ўн) фоиз;
- 730 кундан 1094 кун оралиғида сўндиришга тақдим этилса – йиллик 10,5 (ўн бутун ўндан беш) фоиз.

Сертификат бўйича аввал амалга оширилган фоиз тўловлари ва қайта ҳисоблаш натижасида тўланиши лозим бўлган фоизлар миқдори ўртасидаги фарқ депозит суммаси ҳисобидан ушлаб қолинади.

4.6. Сертификат сақловчиси сертификатнинг муддати тугагунга қадар қайтариб беришни талаб этганда, банк омонат суммасини банкнинг хабардор этган санадан бир ой муддат тугаганга қадар тўлаб бериш ҳуқуқига эга.

4.7. Сертификатлар банк ташаббуси билан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда муддатидан олдин тўловга тақдим этилганида, банк томонидан депозит суммасига сертификатнинг амалда бўлган муддати учун сертификатда белгиланган фоиз ставкалари миқдорида даромад тўланади. Бунда, банк сертификатларнинг муддатидан олдин тўловга тақдим этилиши ва уларни тўловга тақдим этиш шартлари тўғрисида камида бир ой олдин оммавий ахборот воситалари орқали эълон бериши лозим. Банк томонидан қайтариб сотиб олинган сертификат сўндирилган ҳисобланади.

4.8. Агар сертификат бўйича депозитни олиш муддати етиб келганда сертификат омонатчи томонидан тўловга ўз вақтида тақдим этилмаса, омонат суммаси банкда талаб қилиб олингунга қадар депозит шартлари асосида сақланади ва миջознинг биринчи талаби биланоқ сертификатда ёзилган асосий суммани ва ҳисобланган фоизларни тўлаб беради. Бунда банк сертификат муомала муддати ўтиб кетган даври учун сертификатда белгиланган фоизни ва талаб қилиб олгунга қадар депозит бўйича фоизни ҳисобламайди ва тўламайди.

4.9. Сертификатни сўндириш муддати банкнинг айби билан кечиктирилган бўлса, кечиктирилган кунлар учун сертификатда белгиланган фоиз ставкаси миқдорида фоиз ҳисобланади ва омонатчига тўланади.

## **V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

5.1. Депозит сертификатларининг қорешогларини, сертификат бланкаларини ва сертификатларнинг қўшимча варақларини (иловаларини) сақлаш, шунингдек банк томонидан сертификат бланкаларининг бухгалтерия



ҳисобини юритиш ҳамда сертификатлар билан боғлиқ амалиётлар белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.2. Йўқотилган сертификатлар бўйича ҳуқуқлар банк томонидан қайта тикланади.

5.3. Сертификат йўқотилганда сертификат сақловчиси унинг дубликатини беришни сўраб банкка ёзма равишда ариза билан мурожаат этишга ҳақлидир.

5.4. Сертификат йўқолганлиги аниқланганда сертификат сақловчиси бу ҳақда 2 (икки) банк иш куни ичида ариза тақдим қилиш орқали банкни хабардор қилиши шарт. Ариза банкка тақдим этилган санадан бошлаб, 5 (беш) банк иш куни ичида кўриб чиқилади. Ариза банкнинг махсус журналида қайд этилади, ушбу журнал рақамланган, тикилган ва банк муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

5.5. Ариза сертификатнинг корешоғи билан бирга сақланади. Аризада сертификат расмийлаштирилган сана, сертификат рақами, сертификат банкнинг қайси бўлими орқали берилганлиги, кимнинг номига расмийлаштирилганлиги (юридик шахснинг номи кўрсатилади) ва қанча миқдордалиги кўрсатилади.

Ариза ва бошқа зарур ҳужжатлар банк бошқаруви ташкил этган махсус комиссия томонидан кўриб чиқилгандан сўнг ва ариза бўйича ижобий қарор қабул қилинганидан кейин банк аризага 5 (беш) банк иш куни ичида йўқолган сертификат дубликатини беради ёки сертификатни муомалада бўлиш муддати келган бўлса сертификат бўйича тўловларни амалга оширади.

5.6. Сертификатга оид ахборотлар Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сонли қарори билан тасдиқланган Акциядорлик жамиятларининг корпоратив веб-сайтларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ ошкор қилинади.

ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТИНИНГ КОРЕШОГИ  СЕРИЯ ААБ – 05  РАҚАМИ  Қиймати : _____ ( _____ ) сўм	“ASIA ALLIANCE BANK” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТИ  СЕРИЯ ААБ-5  РАҚАМИ _____  Депозит қўйилган сана 201_ йил « _ » Сертификат бўйича депозитни талаб қилиб олиш санаси 201_ йил « _ »  Қиймати : _____ ( _____ ) сўм  Фоиз ставкаси : _____ (рақамлар ва сўзлар билан)
Берилган санаси 201_ йил « _ »  (берилган юридик шахнинг номи ва жойлашган манзили)  Сертификатни олдим 201_ йил « _ »  (Омонатчининг имзоси ёки унинг ваколатли шахсининг имзоси)	«ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки (100047, Тошкент шаҳри, Тараққиёт кўчаси 2а-уй.) ушбу орқали банкка _____ ( _____ ) (рақамлар ва сўзлар билан) сўм миқдорда  _____ _____ (юридик шахнинг номи ва жойлашган манзили) депозитни жойлаштирагани тўғрисида гувоҳлик беради, шунингдек омонатчига ёки унинг ҳуқуқий ворисига кўрсатилган _____ (рақамлар ва сўзлар билан) сўм маблағни йилгига _____ (рақамлар ва сўзлар билан) миқдордаги фоиз ҳисобидан _____ (рақамлар ва сўзлар билан) сўм миқдордаги фоизларни қўшиб, жами _____ (рақамлар ва сўзлар билан) сўм қайтариш мажбуриятини олади. Имзолар: « _____ _____ (Банкнинг мансабдор шахси)
	_____ _____ (Банк бухгалтери) М.Ҳ.

<p>Сертификатни бошқа шахсга бериш (цессия)ни расмийлаштириш намунаси: Бошқа шахсга бериш ҳақидаги ёзув N _____ й. н. _____ ("Цедент") бир томондан (цедентнинг номлашиши, номи) _____ ("Цессонарий") икконтчи томондан, (цессонарийнинг номлашиши, номи) _____ ("Цессонарийнинг номи") қўйдагилар ҳақида келишиб олшлар: сертификатнинг эгаси ("Цедент") уни бошқа шахсга ("Цессонарий") беради, эса _____ (цессонарийнинг номлашиши, номи) _____ рақамини сертификат буйича ҳужужларга эга бўлади.</p>	<p>Сертификатни бошқа шахсга бериш (цессия)ни расмийлаштириш намунаси: Бошқа шахсга бериш ҳақидаги ёзув N _____ й. н. _____ ("Цедент") бир томондан (цедентнинг номлашиши, номи) _____ ("Цессонарий") икконтчи томондан, (цессонарийнинг номлашиши, номи) _____ ("Цессонарийнинг номи") қўйдагилар ҳақида келишиб олшлар: сертификатнинг эгаси ("Цедент") уни бошқа шахсга ("Цессонарий") беради, эса _____ (цессонарийнинг номлашиши, номи) _____ рақамини сертификат буйича ҳужужларга эга бўлади.</p>
<p>Депозит сертификат (матнинг кейинги ўринларида «сертификат») – бу «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ (матнинг кейинги ўринларида «банк»)да қўйилган депозит суммасини ва омонатчининг (сертификат сакловчининг) депозит суммасини ҳамда сертификатда шарҳланган фонсларни сертификатни берган банкдан ёки шу банкнинг қосилган филиалдан белгиланган муддат тугатганидан кейин олиш ҳуқуқини тасдиқловчи номиниссиявий эгасининг номи ёзилган қимматли қоғоз.</p> <p>Сертификатнинг таварлар олин-сотиши ёки қўрастилган хизматлар (шлар) учун ҳисоб-китоблар нақдсиз шавсиз амалга оширилади.</p> <p>Депозит сертификатларнинг олин-сотиши ва улар буйича суммаларини тўлашга доир пуллик ҳисоб-китоблар нақдсиз шавсиз амалга оширилади.</p> <p>Сертификатлар буйича фонслар банкнинг тегишли ҳисобларига сертификатлар учун пул маблағлари келиб тушган кундан бошлаб ҳар кунчи ҳисоблаб борилади ва ҳар ойнинг 24 санисидан бошлаб 3 (уч) банк иш кунини ичига тузилган омонатчи-соришк шавсиз рўйхати буйича омонатларнинг тегишли ҳисобларига ўтказиб бериш орқали амалга оширилади.</p> <p>Сертификат севювичеси сертификатни муддати тугагунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш нияти бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан қамқда бир ой олдин хабардор қилиши шарт. Бунда сертификат буйича фонд тўловни сертификат ҳақиқатда муомалада бўлган муддат учун йиллик қўйидаги фонд ставкасида қайта ҳисобланади.</p>	<p>Депозит сертификат (матнинг кейинги ўринларида «сертификат») – бу «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ (матнинг кейинги ўринларида «банк»)да қўйилган депозит суммасини ва омонатчининг (сертификат сакловчининг) депозит суммасини ҳамда сертификатда шарҳланган фонсларни сертификатни берган банкдан ёки шу банкнинг қосилган филиалдан белгиланган муддат тугатганидан кейин олиш ҳуқуқини тасдиқловчи номиниссиявий эгасининг номи ёзилган қимматли қоғоз.</p> <p>Сертификатнинг таварлар олин-сотиши ёки қўрастилган хизматлар (шлар) учун ҳисоб-китоблар нақдсиз шавсиз амалга оширилади.</p> <p>Депозит сертификатларнинг олин-сотиши ва улар буйича суммаларини тўлашга доир пуллик ҳисоб-китоблар нақдсиз шавсиз амалга оширилади.</p> <p>Сертификатлар буйича фонслар банкнинг тегишли ҳисобларига сертификатлар учун пул маблағлари келиб тушган кундан бошлаб ҳар кунчи ҳисоблаб борилади ва ҳар ойнинг 24 санисидан бошлаб 3 (уч) банк иш кунини ичига тузилган омонатчи-соришк шавсиз рўйхати буйича омонатларнинг тегишли ҳисобларига ўтказиб бериш орқали амалга оширилади.</p> <p>Сертификат севювичеси сертификатни муддати тугагунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш нияти бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан қамқда бир ой олдин хабардор қилиши шарт. Бунда сертификат буйича фонд тўловни сертификат ҳақиқатда муомалада бўлган муддат учун йиллик қўйидаги фонд ставкасида қайта ҳисобланади.</p> <p>179 кун ичида сўндиришга тақдим этилса – йиллик 6 (олти) фонд; 180 кундан 269 кун оралиғида сўндиришга тақдим этилса – йиллик 7 (етти) фонд; 270 кундан 394 кун оралиғида сўндиришга тақдим этилса – йиллик 8 (саккиз) фонд; 395 кундан 544 кун оралиғида сўндиришга тақдим этилса – йиллик 9 (тўққиз) фонд; 545 кундан 729 кун оралиғида сўндиришга тақдим этилса – йиллик 10 (ун) фонд; 730 кундан 1094 кун оралиғида сўндиришга тақдим этилса – йиллик 10,5 (ун бугун ўндан беш) фонд.</p> <p>Сертификат буйича аввал амалга оширилган фонд тўловлари ва қайта ҳисоблаш натижасида тўлашни лозим бўлган фонслар миқдори ўртасидаги фарқ депозит суммаси ҳисобидан ўшлаб қилинади.</p>
<p>Депозит сертификат буйича талаб қилиб олиш ҳуқуқи фақат юридик шахсга ўтказилиши мумкин. Сертификат буйича талаб қилиб олиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ўз ҳуқуқини бераётган (цедент) ва ушбу ҳуқуқини сотиб олаётган шахснинг (цессонарий) икки томонлама биттени билан банкда расмийлаштирилади.</p> <p>Сертификатлар банк ташаббуси билан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда муддатидан олдин тўловга тақдим этилганда, банк томонидан омонат суммасига сертификатнинг амалда бўлган муддати учун фонслар тўланади. Бунда, банк сертификатларнинг муддатидан олдин тўловга тақдим этилиши ва уларни тўловга тақдим этиш шартлари тўғрисида қамқда бир ой олдин оммавий ахборот воситалари орқали эълон бериши лозим.</p> <p>Сертификатни бериш вақтида белгиланган ва муомала муддати тугатилган сўнг (сертификат эгаси сертификат буйича депозитини талаб қилиб олиш ҳуқуқини қўлга киритганда) сертификат эгасига тўлашни лозим бўлган фонслар мажмуур сертификат сотиб олинган вақсдан қатъи назар, 3 (уч) банк иш кунини ичига банк томонидан тўланади.</p> <p>Агар сертификат буйича депозитини олиш муддати етиб келганда сертификат омонатчи томонидан тўловга ўз вақтида тақдим этилмаса, омонат суммаси банкда талаб қилиб олингунга қадар депозит шартлари асосида сакланади ва миқозининг биринчи талаби биланқан бўлиши асосий суммаси ва ҳисобланган фонсларини тўлаб беради. Бунда банк сертификат муомалада бўлиш муддати ўтиб кетган даврон учун сертификатда белгиланган фондсини ва талаб қилиб олгунга қадар депозит буйича фондсини ҳисобламайди ва тўламайди тўламайди.</p> <p>Сертификатлар буйича фонслар банк томонидан солиқларни ҳисобга олинимаган ҳолда эълон қилинади. Сертификатлар буйича ҳисобланган даромад солиққа торгиллиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қўзда тутилган тартибда амалга оширилади.</p> <p>Бўқотилган сертификатлар буйича ҳужужлар банк томонидан қайта тикланади.</p> <p>Сертификат йўқотилгани аниқланганда сертификат сакловчинен бу ҳақда 2 (икки) банк иш кунини ичига арзга тақдим қилиш орқали банкни хабардор қилиши шарт. Арзга банкга тақдим этилган санадан бошлаб, 5 (беш) банк иш кунини ичига қўриб қилинади. Арзга банкнинг махсус журналда қайд этилади, ушбу журнал рақамланган, тиксилган ва банк муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.</p> <p>Арзга ва бошқа зарур ҳужжатлар банк бошқаруви ташқиел этган махсус комиссия томонидан қўриб чиқилгандан сўнг ва арзга буйича ижобий ҳарор қабул қилинганидан кейин банк арзачига 5 (беш) банк иш кунини ичига йўқотган сертификат дубликатини беради ёки сертификатни муомалада бўлиш муддати келган бўлса сертификат буйича тўловларни амалга оширади.</p>	<p>Депозит сертификат буйича талаб қилиб олиш ҳуқуқи фақат юридик шахсга ўтказилиши мумкин. Сертификат буйича талаб қилиб олиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ўз ҳуқуқини бераётган (цедент) ва ушбу ҳуқуқини сотиб олаётган шахснинг (цессонарий) икки томонлама биттени билан банкда расмийлаштирилади.</p> <p>Сертификатлар банк ташаббуси билан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда муддатидан олдин тўловга тақдим этилганда, банк томонидан омонат суммасига сертификатнинг амалда бўлган муддати учун фонслар тўланади. Бунда, банк сертификатларнинг муддатидан олдин тўловга тақдим этилиши ва уларни тўловга тақдим этиш шартлари тўғрисида қамқда бир ой олдин оммавий ахборот воситалари орқали эълон бериши лозим.</p> <p>Сертификатни бериш вақтида белгиланган ва муомала муддати тугатилган сўнг (сертификат эгаси сертификат буйича депозитини талаб қилиб олиш ҳуқуқини қўлга киритганда) сертификат эгасига тўлашни лозим бўлган фонслар мажмуур сертификат сотиб олинган вақсдан қатъи назар, 3 (уч) банк иш кунини ичига банк томонидан тўланади.</p> <p>Агар сертификат буйича депозитини олиш муддати етиб келганда сертификат омонатчи томонидан тўловга ўз вақтида тақдим этилмаса, омонат суммаси банкда талаб қилиб олингунга қадар депозит шартлари асосида сакланади ва миқозининг биринчи талаби биланқан бўлиши асосий суммаси ва ҳисобланган фонсларини тўлаб беради. Бунда банк сертификат муомалада бўлиш муддати ўтиб кетган даврон учун сертификатда белгиланган фондсини ва талаб қилиб олгунга қадар депозит буйича фондсини ҳисобламайди ва тўламайди тўламайди.</p> <p>Сертификатлар буйича фонслар банк томонидан солиқларни ҳисобга олинимаган ҳолда эълон қилинади. Сертификатлар буйича ҳисобланган даромад солиққа торгиллиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қўзда тутилган тартибда амалга оширилади.</p> <p>Бўқотилган сертификатлар буйича ҳужужлар банк томонидан қайта тикланади.</p> <p>Сертификат йўқотилгани аниқланганда сертификат сакловчинен бу ҳақда 2 (икки) банк иш кунини ичига арзга тақдим қилиш орқали банкни хабардор қилиши шарт. Арзга банкга тақдим этилган санадан бошлаб, 5 (беш) банк иш кунини ичига қўриб қилинади. Арзга банкнинг махсус журналда қайд этилади, ушбу журнал рақамланган, тиксилган ва банк муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.</p> <p>Арзга ва бошқа зарур ҳужжатлар банк бошқаруви ташқиел этган махсус комиссия томонидан қўриб чиқилгандан сўнг ва арзга буйича ижобий ҳарор қабул қилинганидан кейин банк арзачига 5 (беш) банк иш кунини ичига йўқотган сертификат дубликатини беради ёки сертификатни муомалада бўлиш муддати келган бўлса сертификат буйича тўловларни амалга оширади.</p>